

## Ўзбекистон Республикаси номидан ҲУКМ

2024 йил май ойининг 6 куни, жиноят ишлари бўйича Хўжаобод тумани суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг судьяси А.Куваталиев раислигида, халқ маслаҳатчилари Х.Зокиров, Н.Баратовалардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси М.Комилованинг котибалигида, тарафлардан давлат айбловчиси Хўжаобод туман прокурорининг ёрдамчиси М.Нуртожиев, судланувчи А.Ахмадалиев ва унинг ҳимоячиси Андижон шаҳар “MUBINA QONUN XIMOYACHISI” адвокатлик бюроси адвокати А.Ортиқов, судланувчи М.Хамидов ва унинг ҳимоячиси Андижон шаҳар “NAJOT” адвокатлик фирмаси адвокати М.Амирхамзаев иштирокида, Ахмадалиев Алишер Лухманжанович ва Хамидов Мухаммаджон Хабибуллаевичларга нисбатан 1-1715-2402/68-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ахмадалиев Алишер Лухманжанович (Axmadaliyev Alisher Luxmanjanovich) 1989 йил 6 октябрь куни Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, мавсумий ишчи, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судининг 2021 йил 19 ноябрдаги ҳукмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан, ЖКнинг 45-моддаси тартибида 1 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ундириш белгиланган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тайинланган, Андижон шаҳри, Уйғуробод МФЙ, Шаҳрихон кўчаси 2-уйда яшаган, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида 2024 йил 13 январдан буён қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 17 мартда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан айбланган.

Хамидов Мухаммаджон Хабибуллаевич (Xamidov Muxammadjon Xabibullayevich) 1990 йил 26 январь куни Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, мавсумий ишчи, оилали, 3 нафар



фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Андижон шаҳри, Қаландархона МФЙ, 1-тор Байналминал кўчаси, 12-уйда яшаган, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида 2024 йил 13 январдан буён қамоқда сақланаётган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 17 мартда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми ҳамда 25,273-моддасининг 5-қисми билан айбланган.

Суд ҳайъати судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишдаги мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи М.Хамидов қонун билан тақиқланган, гиёҳвандлик моддаларини сотиш орқали даромад орттириш мақсадида жиноий режа тузиб, таниши судланувчи А.Ахмадалиев билан бир гуруҳга бирлашиб, 2024 йил 13 январь куни Андижон шаҳар Узумзор МФЙ ҳудудида суд-кимёвий экспертизасининг 2024 йил 12 январдаги 36-сонли хулосасига кўра, ўз таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол моддасини сақловчи 7.43 грамм “Гашиш” гиёҳвандлик воситасини холис харидорга 100 АҚШ долларига сотишган вақтда Андижон шаҳар ИИБ ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланишган.

Бундан ташқари М.Хамидовнинг ёни ҳолислар иштирокида кўздан кечирилиб, эгнидаги қурткасининг ўнг чўнтагида келгусида сотиш мақсадида олиб юрган таркибида фаол гиёҳванд модда тетрагидроканнабинол моддасини сақловчи 2,27 граммга тенг бўлган “Гашиш” гиёҳвандлик воситаси ҳамда тарози баённома расмийлаштирилиб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 октябрь кунидаги 878-сонли қарорига асосан “Гашиш” гиёҳванд моддалари Ўзбекистон Республикасида муомала қилиш тақиқланган моддалар қаторига киритилганлиги ва гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг миқдорларига кўра – Гашиш гиёҳвандлик воситаси 2.0 граммдан кўп бўлган миқдор кўп миқдорни ташкил этиши кўрсатилган.

Судланувчи А.Ахмадалиев суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб қуйидагиларни, яъни тахминан 5 йилдан буён гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиб келишини, 2024 йил 12 январь куни таниши 100 АҚШ доллари эвазига гиёҳвандлик воситасини топиб беришини илтимос қилиб унга қўнғироқ қилганини, унинг таклифига рози бўлиб, бу масалада Андижон шаҳар СоЙ МФЙда яшовчи таниши М.Хомидовга қўнғироқ қилиб



гиёҳвандлик моддаси кераклигини, эвазига 100 АҚШ доллари беришини айтганида, М.Хомидов ҳам унинг таклифига рози бўлиб, Андижон шаҳар Узумзор МФЙга келишини айтганини, шундан сўнг М.Хомидов айтган гапларни танишига айтиб унга қўнғироқ қилганини, орадан 30 дақиқа ўтиб, таниши билан Андижон шаҳар, Уйғуробод МФЙ ҳудудида жойлашган “Сирли” масжид ёнида кўришганини, у оқ рангли “Нексия-2” русумли автомашинада келганини, сўнг у билан Андижон шаҳар Узумзор МФЙ Фаровон кўчасига бориб М.Хомидовга қўнғироқ қилганини, бироз вақт М.Хомидов келгандан сўнг танишидан 100 АҚШ долларини олиб М.Хомидовга берганини, М.Хомидов унга қора целофан пакетга ўралган 1 бўлак гиёҳвандлик воситасини берганини, М.Хомидовдан олган гиёҳвандлик воситасини танишига берганидан сўнг уларни олдига бир нечта ИИБ ходимлари келишганини, уларга гиёҳвандлик воситасини танишига 100 АҚШ доллар эвазига М.Хомидовдан сотиб олиб берганини, М.Хомидов танишининг уйига кириб кетганлигини айтиб берганини, шундан сўнг, М.Хомидовга кўчага чиқишини айтиб қўнғироқ қилганини, орадан 5 дақиқа ўтиб у чиқиб келганини, ИИБ ходимлари томонидан М.Хомидов ҳам қўлга олинганини, шундан сўнг Андижон шаҳар ИИО ФМБ биносига боришганини, М.Хомидовни ёнидан 1 дона электрон тарози ва 1 бўлак қора рангли целофан пакетга ўралган жигарранг тусли гиёҳванд моддаси борлиги аниқланиб, холислар иштирокида баённома расмийлаштирилиб олинганини, гиёҳвандлик воситалари ҳам электрон тарози ёрдамида ўлчаниб, махсус пакетга солиб муҳрланиб баённома расмийлаштирилганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи М.Хамидов суд мажлисида, айбига қисман иқрорлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб қуйидагиларни, яъни 2024 йил 12 январь куни таниши А.Ахмадалиев гашиш гиёҳвандлик моддаси бўлса сотиб олишини айтиб, унга қўнғироқ қилганини, А.Ахмадалиевни таклифига рози бўлиб, шу куни у билан Андижон шаҳар Узумзор МФЙ ҳудудида кўришиб, бир бўлак гашиш гиёҳвандлик воситасини бериб, ундан 100 АҚШ долларини олиб, Узумзор МФЙ ҳудудида яшовчи танишининг уйига кириб кетганини, орадан бироз вақт ўтиб, А.Ахмадалиев унга гиёҳванд моддасини грами озлигини, яна бўлса олиб чиқишини айтиб қўнғироқ қилганини, шундан сўнг А.Ахмадалиевга берган бир бўлак гиёҳвандлик воситасидан қолган бир бўлак гашиш гиёҳванд воситасини сотиш мақсадида олиб чиққанини, шу вақтда унинг олдига ИИБ ходимлари келишиб уни ва А.Ахмадалиевни ИИБ биносига олиб кетишганини, у ерда икки нафар холислар иштирокида ёни кўздан кечирилиб, сотиш учун олиб қўйган бир бўлак гиёҳвандлик воситаси ва бир дона электрон тарози қора рангли куртқасининг ўнг чўнтагидан холислар иштирокида олинганини, олинган моддалар электрон тарози ёрдамида ўлчаниб, махсус пакетга солиб муҳрланиб баённома расмийлаштирилганини, қилмишидан чин кўнгилдан



пушаймонлигини баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи А.Ахмадалиевнинг жиноятни содир этишдаги айби, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, судланувчи М.Хамидовнинг айби, айбига қисман иқрорлик билдириб берган кўрсатувлари билан бирга, судда текширилган қуйидаги далиллар билан жумладан;

Гувоҳ Р.Сулаймонов суд мажлисида дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб қуйидагиларни, яъни 2024 йил 12 январь куни Андижон шаҳар ИИО ФМБ биносини олдида турганида унинг ёнига фуқаролик кийимида бўлган ИИБ ходимлари келишиб, бир ишда холис сифатида иштирок этиб беришни сўрашганини, уларнинг таклифига рози бўлиб, Андижон шаҳар ИИО ФМБ маъмурий биносига борганини, ишда кейинчалик таниган А.Бўронов ҳам холис сифатида иштирок этаётганлигини билганини, у ерда 100 АҚШ доллари миқдоридagi пулларга эксперт мутахассис томонидан кимёвий ишлов берилганини, пуллар холис харидорга баённома орқали тақдим қилинганини, шу куни тадбир иштирокчилари билан Андижон шаҳар Узумзор МФЙ ўрамига боришганини, у ерда кейинчалик таниган А.Ахмадалиев 100 АҚШ доллари пул эвазига “гашиш” гиёҳвандлик воситасини сотган вақтда ашёвий далиллар билан қўлга олинганини, А.Ахмадалиевни қўлларида ҳам махсус кукун қолдиқлари аниқланганини, шундан сўнг А.Ахмадалиевни ёни кўздан кечирилганида холис харидордан олган пулларни М.Хамидовга берганини айтиб ёнида бўлган бир дона “Табассумхон Қаюмова”га тегишли бўлган банк картасини, бир дона Самсунг русумли телефон аппарати, 27.000 сўм пуллари баённома орқали олиниб, ҳолат юзасидан сўралганида гашиш гиёҳванд воситасини ўзига таниш бўлган М.Хамидовдан олганини айтганини, шундан сўнг А.Ахмадалиев М.Хамидовга қўнғироқ қилиб чақирганини шу вақтда ИИБ ходимлари М.Хамидовни ҳам ушлашиб Андижон шаҳар ИИО ФМБ маъмурий биносига олиб келишганини, улар иштирокида М.Хамидовни ёни кўздан кечирилганида, эғнидаги қора рангли курткасида бир дона электрон тарози ва бир бўлак ўткир ҳидли гиёҳвандлик модда борлиги аниқланиб, баённома расмийлаштирилиб олинганини, электрон тарози ёрдамида гиёҳванд моддаларнинг оғирлиги ўлчаб кўрилганини, гиёҳвандлик воситалари баённома орқали олинганини баён қилиб берган кўрсатуви;

Гувоҳ А.Бўронов суд мажлисида дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, гувоҳ Р.Сулаймоновга ўхшаш берган кўрсатуви;

Шунингдек, пулларга кимёвий ишлов бериш, холис харидорни ёнини кўздан кечириш, овоз ёзиш мосламасини бериш, тезкор тадбирни ўтказиш, овоз ёзиш мосламасини олиш, гиёҳвандлик воситасини соф вазнини аниқлаш шахсни ёнини кўздан кечириш, юзлаштириш, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, уяли телефонни кўздан кечириш баённомалари, стенограмма, суд-кимёвий, суд-



наркология экспертизаси хулосалари, нарсани ашёвий далил деб топиш ва олиш қарори ҳамда иш бўйича тўпланган ишончли ва мақбул далиллар мажмуи билан исботланган.

Суд ҳайъати, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори 5-бандининг 2-хатбошида “Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак”, деб берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчи А.Ахмадалиев ва М.Хомидовни қилмишларини квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, судланувчи А.Ахмадалиевни кўп миқдорни ташкил қилувчи 7,43 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини 100 АҚШ долларига қонунга хилоф равишда сотганликда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан, судланувчи М.Хомидовнинг кўп миқдорни ташкил қилувчи 7,43 грамм бўлган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини 100 АҚШ долларига қонунга хилоф равишда сотганликда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан, кўп миқдорни ташкил қилувчи 2,27 грамм бўлган “гашиш” гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадини кўзлаб, сақлаб юрганликда ифодаланган ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан тергов органи томонидан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 20-моддасининг 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкинлиги,

8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбининг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги,

54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини,



айбдорнинг шахсини ҳамда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиниши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 1-бандида судлар эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят Кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинлаши мумкинлиги, шунингдек 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий принципларидан бири инсонпарварлик принципи эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, юқоридаги Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари тушунтиришлари ва қонун талабларидан келиб чиқиб, судланувчи А.Ахмадалиевга жазо тайинлашда айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилада ягона боқувчилигини, 3 нафар фарзандлари борлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, ғаразли ва бошқача паст ниятларда жиноят содир этишини ЖК 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, жазо тури ва миқдорини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, оилада ягона боқувчилиги каби енгиллаштирувчи ҳолатларни, айти вақтда қилмишини ижтимоий хавфлилик даражасини



жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилгандан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖК 50-моддаси 7-қисмининг “б” бандига асосан тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришликни белгилашни, эҳтиёт чорасини аслича қамоқда қолдиришни;

судланувчи Ш.Хамидовга жазо тайинлашда айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилада ягона боқувчилигини, 3 нафар фарзандлари борлигини, оилада ногирон оила аъзолари борлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, ғаразли ва бошқача паст ниятларда жиноят содир этишини ЖК 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, жазо тури ва миқдорини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, қарамоғида 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлиги, оилада ягона боқувчилиги каби енгиллаштирувчи ҳолатларни, айти вақтда қилмишини ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, у айбли деб топилаётган модда санкциясида назарда тутилгандан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖК 50-моддаси 7-қисмининг “б” бандига асосан тайинланган жазони умумий тартибли колонияларда ўтатиришликни белгилашни, эҳтиёт чорасини аслича қамоқда қолдиришни;

Шу билан бирга суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил сифатида олиниб, ДХХ Андижон вилоят бошқармаси ашёвий далиллар сақлаш омборига 2024 йил 1 февраль куни 00717-сонли квитанция асосида топширилган умумий оғирлиги 9,5гр. “гашиш” гиёҳвандлик воситасини, жиноят ишидаги 1 дона электрон тарозини, 1 дона яхлит сариқ рангли пакетга жойланган намуналарни тегишли тартибда йўқ қилишни, ёзма далил, бир дона “СД” дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни, 1 дона “SamsungA12” русумли уяли телефон аппарати, Қаюмова Табассумхонга тегишли банк пластик картаси, 27.000 сўм пуллар А.Ахмадалиевни яқин қариндошларига, 1 дона М.Хомидов тегишли “Samsung” русумли уяли телефон аппарати унинг акаси А.Хомидовга тилхат орқали қайтарилганлигини инобатга олишни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Ахмадалиев Алишер Лухманжанович (Aхmadaliyev Alisher Lухmanjanovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

А.Ахмадалиевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 6 (етти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 13 январдан ҳисоблансин.

А.Ахмадалиевга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

Хамидов Мухаммаджон Хабибуллаевич (Хamidov Mухammadjon Хабibullayevich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми ҳамда ЖК 25,273-моддасининг 5-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

М.Хомидовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 273-моддасининг 5-қисми билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 6 (олти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖК 25,273-моддасининг 5-қисми билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

М.Хомидовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни ўзаро қисман қўшиш йўли билан ўташ учун узил-кесил 7 (етти) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддати 2024 йил 13 январдан ҳисоблансин.

М.Хамидовга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси аслича қамоқда қолдирилсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган ва ДХХ ашёвий далиллар сақлаш хонасида сақланаётган 9,5 грамм “Гашиш” гиёҳванд моддаси, 1 дона яхлит сариқ рангли пакетга жойланган тампон-намуналари, 1 дона электрон торози тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ёзма далил, 1 дона “СД” русумли диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин, 1 дона “Самсунг” русумли уяли телефон аппарати, “Қаюмова Табассумхон”га тегишли банк картаси, 27.000 сўм пуллар А.Ахмадалиевни яқин қариндошларига, 1 дона М.Хомидов тегишли “Samsung” русумли уяли телефон аппарати акаси А.Хомидовга қайтарилгани инобатга олинсин.



Хукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган пайдан, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида, шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

<b>Раислик қилувчи</b>	<b>имзо</b>	<b>А.Қуваталиев</b>
<b>Халқ маслаҳатчилари</b>	<b>имзолар</b>	<b>Х.Зокиров</b>
		<b>Н.Баратова</b>
<b>Ҳукми нусхаси асалига тўғри Туман судининг судьяси</b>		<b>А.Қуваталиев</b>

